

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВ АКБАР АНВАРДЖАНОВИЧ**

**ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИ БОШҚАРИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Sciences**

**Султанов Акбар Анварджанович**

Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни  
диверсификациялашни бошқариш самарадорлигини ошириш ..... 3

**Султанов Акбар Анварджанович**

Повышение эффективности управления диверсификацией  
производства на предприятиях текстильной промышленности ..... 25

**Sultanov Akbar Anvardjanovich**

Improved management of the diversification of production in the textile  
industry enterprises ..... 47

**Эълон қилингандар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВ АКБАР АНВАРДЖАНОВИЧ**

**ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИ БОШҚАРИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt75 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tdiu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Болтабаев Махмуджон Рустамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимова Дилфузা Нигматовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Нуримбетов Ровшан Ибрагимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
и.ф.н., доцент

**М.А. Махкамова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган давлатлари, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Франция каби мамлакатларда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида миллий иқтисодиётларидаги инқироз жараёнларини бартараф этиш, харид талабини ошириш, миллий маҳсулотларини жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтиришга эришмоқдалар. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида саноат корхоналарида, хусусан тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқаришнинг устувор йўналишлари сифатида диверсификациянинг ишлаб чиқариш ҳаракати ва инқирозга юз тутиш хавфини камайтириш стратегияси жорий этилмоқда. Бунда олимлар томонидан рақобатдошликка эришиш учун биринчи навбатда, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича муҳим илмий натижаларга эришилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш дастурлари доирасида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланмоқда. Бу борада тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификация қилишда стратегик бошқарув самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан, тўқимачилик корхоналарида жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишини янада жадаллаштириш долзарб масалаларидан биридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартирисларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши мамлакатимиздаги саноат корхоналарида, хусусан тўқимачилик саноати корхоналарида тўқимачилик маҳсулотлари ассортиметини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ишларни жадаллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон стандарт талабларига жавоб берадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва инновация

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида» Lex.uz

технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни жорий қилишнинг илмий асосларини яратиш талаб этилмоқда. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиздаги тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ҳамда 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа меёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация мавзуси республикамиизда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади ва республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналишига мос тарзда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқаришнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг, хусусан, И.Ансофф, Т.Коно, Ж.Кuin, Р.М.Кунц, А.В.Лансков, Х.Минцберг, М.Порттер ва А.Томпсонларнинг ишларida ёритилган. Стратегик бошқарув, жумладан диверсификацияни стратегик менежмент қурули сифатида ўрганиш бўйича И.Ансофф, Я.Корнаи, Р.Кунц, П.Друкер, Ф.Котлер, Б.Карлоф, А.Стрикланд, А.Томпсон, А.Оуэнларнинг илмий ишлари классик ишларга айланган<sup>2</sup>. Санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг иқтисодий илм-фанга қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, уларда саноат корхоналарини бошқаришнинг ўзига хослиги, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини диверсификация қилиш жараёнларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Г.И.Немченко, А.А.Бочаров, Т.А.Худякова, С.А.Шевченко, С.Ю.Богатирев,

<sup>2</sup>Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - СПб: «Питер», 1999.-416 с.; Ансофф И. Стратегическое управление: пер. с англ. - М.: Прогресс, 1999.-519 с.; Корнай Я. Дефицит. -М.: Наука, 1990. - 181 с.; Кунц Р. Управление: системный и ситуационный анализ управлеченческих функций / Р. Кунц С. О'Донелл: пер. с англ. - М: Прогресс, 1991. -201с.; Кунц Рогер М. Стратегия диверсификации и успех предприятия // Проблемы теории и практики управления, 2004. - № 1 - С. 96-100; Карлоф Б. Деловая стратегия. - М.: Экономика, 2003. - 198 с.; Оуэн А. Как осуществлять стратегию // Хрестоматия «Управление изменениями». - М: МЦДО «Лина», 2006 . - С. 141-149; Томпсон А.А. Стратегический менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии / А. А. Томпсон А. Дж. Стрикланд: пер. с англ.; под ред. Л.Г.Зайцева М.И.Соколовой. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2008. -576с.

П.В.Забелин, А.Н.Петров, С.Г.Светуньков, Д.В.Соколов ва В.В.Томилов каби олимлар<sup>3</sup> тадқиқотлар олиб боргандар. Мазкур олимларнинг илмий ишларида бугунги кунда диверсификациянинг ишлаб чиқариш ҳаракати ва инқирозга юз тутиш хавфини қисқартириш стратегияси сифатидаги муаммоси тадқиқ этилган, диверсификация шакллари ва турлари таснифланган. Корхона фаолиятини диверсификация қилишнинг алоҳида йўналишлари бўйича: ресурслар таъминоти (В.В. Иванов); самарадорликни ошириш (Г.И.Немченко); корпорация даражасида бошқарув (П.В.Забелин), алоҳида корхона бошқаруви (А.А.Бочаров, Т.А.Худякова, С.А.Шевченко), металтургия мажмуаси мисолида индустрисал тизимни бошқариш (С.Ю.Богатирев) бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш босқичида саноат конхоналарини ривожлантириш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари С.С. Фуломов, Б.Ю.Ходиев, Ё.Абдуллаев, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, Б.Б.Беркинов, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Қ.Йўлдошев, М.А.Икрамов, Д.Н.Рахимова, Д.С.Қосимова, А.Ф.Расулов, М.Л.Турсунходжаев, А.М. Қодиров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларида кўрсатиб берилган<sup>4</sup>. Бироқ, мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг кўламига қарамасдан, ушбу тадқиқотларда саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларини бошқариш масалалари назарий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаганлиги мазкур тадқиқот ишининг мавзусини

<sup>3</sup> Немченко Г.И. Эффективность диверсификации производства: теория и методология./ дис. ... д-ра экон. наук - СПб, СПГИЭУ. - 1993.; Иванов В.В. Организация диверсифицированного производства на основе вариантового ресурсного обеспечения: дис. ... д-ра экон. наук. - М., 1999.; Забелин П.В. Корпоративное управление связанными-диверсифицированными системами в промышленности: дис. ... д-ра экон. наук. -М., 1999.; Бочаров А. А. Особенности стратегического планирования в условиях диверсификации: дис.... канд. экон. наук. - СПб, 1999; Худякова Т.А. Совершенствование управления диверсифицированного производства промышленного предприятия: дис. ... канд. экон. наук. - Челябинск, 2000; Шевченко С. А. Формирование системы управления диверсифицированным предприятием: дис. ... канд. экон. наук. - СПб.: ГИЭА, 1998.; Богатирев С. Ю. Диверсификация индустриальных систем (на примере ОАО ММК): дис.... канд. экон. наук. - М, 1998.

<sup>4</sup>Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабоев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 35 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспектлари. 08.00.13 – “Маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б.; Расулов М.Н. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида).08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – 161 б.; Замонавий менежмент: назария ва амалиёт / Д.Н.Рахимова ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 792 б.; Сайдова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май; Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Faafurov У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараккиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.; Бекмуродов А.Ш., Faafurov У.В.Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чукурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. - Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. Абулқасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. –Т.: Молия, 2010. - 84 с.

танланишига сабаб бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режаси, ФМ-3 «Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари хамда корхоналар ривожланишининг илмий методологик асосини такомиллаштириш» (2012-2016 йй.) фундаментал тадқиқотлар давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш самарадорлигини оширишининг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

саноат корхоналари фаолиятини диверсификация қилишни бошқаришнинг мазмуни ва замонавий ҳусусиятларига илмий қарашларни тадқиқ этиш, шу асосда унинг моҳияти ва жиҳатларини аниқлаш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини диверсификация қилиш жараёнларини бошқаришга нисбатан назарий ёндашувларни тадқиқ этиш;

тўқимачилик саноати корхоналарини диверсификациялашни бошқариш тизимининг концептуал ёндашуви ва методологик принципларини белгилаш;

тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификация қилишни ривожлантиришда бозор агентларининг иқтисодий манфаатларини аниқлаш;

республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни ташкил этиш ва бошқаришда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш асосида соҳани келгусида ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини асослаб бериш;

тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш;

ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида тўқимачилик корхоналарини стратегик бошқаришнинг ташкилий шакл ва усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тўқимачилик саноати корхоналари олинди.

**Тадқиқотнинг предметини** тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш жараёнида юзага келадиган ташкилий - иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув билан бирга бошқаришнинг умумий усуллари, қиёсий ва эксперт таҳлил, танлаб тадқиқ қилиш усуллари қўлланилган. Амалий тадқиқотлар ва эмпирик баҳолашлар

иқтисодий-математик усуллар ва кўп омилли эконометрик таҳлилларга асосланган. Шунингдек, умумлаштириш, қайта ишлаш, таҳлил, синтез ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш стратегияларини жорий этишнинг активлар ва ресурслар манбаларини олдиндан белгилаш имконини берувчи ташкилий-иқтисодий кучларнинг стратегик баланси усули ишлаб чиқилган;

маҳаллий хом-ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ассортиментини кенгайтиришга қаратилган тўқимачилик саноати корхоналарини диверсификация қилиш салоҳиятини ошириш модели ишлаб чиқилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш амалиётiga диверсификация стратегияларини татбиқ этиш усуллари ишлаб чиқилган;

бошқарувнинг ташкилий тузилиши доирасида тўқимачилик саноати корхоналарини диверсификация қилишнинг корпоратив, ишбилармонлик ва функционал стратегияси бўйича таклифлар асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

тўқимачилик саноати корхоналарини диверсификациялаш салоҳиятини ошириш модели диверсификациациянинг ҳар бир типологик шакллари доирасида ривожлантириш вариантларини ишлаб чиқиш; амалга оширилиши юқори ноаниқлик ва таваккалчилик билан изоҳланадиган диверсификация қилиш таклифларини (ғояларини) саралаш; диверсификациациянинг бозор имкониятлари ҳақиқийлиги ва корхонанинг умумий молиявий-иқтисодий аҳволига молиявий-иқтисодий баҳо бериш имконини берган;

тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификациялаш жараёнларини бошқаришга стратегик менежмент усулларини тадбиқ этишда корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида диверсификациядан кўзланган мақсадларга эришиш йўллари асослаб берилган. Мазкур илмий ишланмаларни жорий қилиш ва ундан амалиётда фойдаланиш натижасида 2011-2016 йилларда “Ўзбекенгилсаноат” АЖ томонидан қўшимча 143,23 млн сўм иқтисодий самарага эришилган; тўқимачилик саноати корхонаси томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификация қилишнинг ташкилий стратегияларини танлаш ва маҳсулот ассортиментини кенгайтириш усуллари “Марҳамат” ОАЖ фаолиятига тадбиқ этилган. “Марҳамат” ОАЖ маҳсулот сифати ошиши ва ассортименти кенгайиши ҳисобига 2014 йилда қўшимча 80,5 млн сўм самарадорликка эришилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялаш жараёнини ташкил этишда самарали бошқарув тизимини ташкил этиш тамойиллари ҳамда диверсификациялаш бўйича саноат корхонаси салоҳиятини баҳолаш усуллари тармоқ корхоналари томонидан ушбу жараённи амалга оширишда ташкилий стратегияларини танлаш, бошқарувнинг ташкилий даражаси доирасида тўқимачилик

корхонасини диверсификация қилиш билан боғлиқ стратегик ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланилган;

тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чукурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификациациялаш билан боғлиқ муаммолар, умумий теденциялар ва конуниятлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуllар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика ва эконометрика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги услубий ёндашув ишлаб чиқилгани ва қўлланилгани билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар тармоқнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, жумладан, унда ишлаб чиқилган назарий ва методологик ёндашувлар тўқимачилик корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш ва иқтисодий салоҳиятини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича стратегик ва комплекс дастурларни ишлаб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациациялаш жараёнларини бошқариш усуllари ва моделлари, уларнинг ривожланишига хос хусусиятлар тармоқ корхоналари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тармоқни янада ривожлантиришга оид комплекс дастурларни шакллантириш ва ишлаб чиқища стратегик мўлжаллар ва устувор вазифаларни аниқлаш имконини беради ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ тизимидағи корхоналар фаолиятида ва бошқа манфаатдор тузилмаларда истиқболли дастур ва режаларни ишлаб чиқища, тадқиқот натижаларидан тегишли илмий-тадқиқот ишларида, ўкув адабиётлари илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациациялашни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни диверсификация қилишни чукурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПҚ-2495-сонли «Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 31 майдаги ИШ-3-0/20-8-сонли маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш худудий тармоқ корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш фаолиятини ривожлантириш вариантларини ишлаб чиқиш ва унинг худуддаги корхоналар фаолиятига таъсир этиши корхоналарнинг якуний молиявий-иктисодий кўрсаткичларига баҳо беришга имкон берган;

тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларини стратегик бошқаришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш усулари ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга стратегик менежмент усулларини тадбиқ этиш асосида бошқарувнинг ташкилий даражалари доирасида тўқимачилик корхонасини диверсификация қилишнинг стратегик чора-тадбирларини белгилаш йўллари «Ўзбекенгилсаноат» АЖ амалиётига жорий этилган («Ўзбекенгилсаноат» АЖнинг 2016 йил 5 апрелдаги БС-12-999-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий ишланманинг жорий этилиши натижасида «Ўзбекенгилсаноат» АЖда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, «Марҳамат» АЖда ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификация қилишнинг ташкилий стратегияларини танлаш маҳсулот ассортиментини кенгайтиришга замин яратиб берган;

маҳаллий хом-ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга қаратилган саноат корхоналарини диверсификация қилиш салоҳиятини ошириш самарадорлигини таҳлил қилишда корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси амалиётида қўлланилган («Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг 2017 йил 23 сентябрдаги ШШ 1-1171-сон маълумотномаси). Мазкур илмий ишланманинг жорий қилиниши «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасига қўшимча 132,8 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш ва маҳсулот ассортиментини кенгайтириш имконини берган. Шунингдек, «Андижон саноат ривож» АЖ, «Кўқон пойабзали» АЖ, «Пойабзалчи» АЖ, «Ташкент Шейк Индастри» АЖ корхоналарига 2014-2015 йилларда умумий ҳажмда қўшимча 128,5 млн. сўм даромад келтирган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 21 та илмий мақола, жумладан, 17 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, түртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарбилиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган ва шакаллантирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқаришнинг илмий-услубий асослари**», - деб номланган биринчи бобида саноат корхоналарида, шу жумладан тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари тадқиқ этилган.

Муаллиф дунё иқтисодиёти фани ва амалиётининг терминологик аппарати, назарий ва фактологик базасидан келиб чиқиб, республикамиизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мазкур корхоналарнинг хўжалик фаолиятини диверсификация қилиш орқали уларни бозор муҳити динамикасига мослаштириш лозим, деб ҳисоблайди. Мазкур тадқиқотда турли илмий мактаблар – мамлакатимиз ва хорижий мактабларнинг нуқтаи назарларидан диверсификациянинг иқтисодий ҳодиса сифатидаги илмий таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқот ишида таъкидланганидек, саноат тармоғидаги диверсификациянинг моҳияти шундаки, у мулкчиликнинг ташкилий-хукуқий шакллари турлича бўлган корхоналарни талаб ва таклифлар кескин ўзгариб турадиган ихтисослаштирилган бозорлар конъюнктурасига мослаштириш имконини беради. Муаллиф фикрича, ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификация қилиш деганда фаолият йўналишлари ва соҳаларининг ўзгариши, яъни ишлаб чиқариш дастурига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) га тўғридан-тўғри ўхшаш бўлмаган маҳсулот (хизмат)ларни киритиш тушунилади.

Бунда тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш янги маҳсулотни (хизматни) ишлаб чиқаришни кўзда тутиши лозим:

янги технологияларни қўллаган ҳолда. Янги маҳсулот корхонанинг истеъмолчиларига қаратилган ёки айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан бирга чиқарилади (горизонтал диверсификация);

мавжуд технологияни қўллаган ҳолда, амалдаги технология асосида такомиллаштирилган янги маҳсулот ишлаб чиқарилади (марказлашган

диверсификация);

айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш (конгломерат диверсификация).

Диссертацияда тўқимачилик саноати корхоналари молиявий имкониятларнинг мавжудлик даражасига қараб диверсификацияди икки хил йўналишда ташкил этиш тавсия этилди: биринчи йўналишда асосий фаолият тури бўйича диверсификацияди босқичма - босқич амалга ошириш; иккинчи йўналишда, аксинча, диверсификация стратегияси асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаслиги зарур.

Тадқиқот ишида тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш зарурияти турли хил омиллар билан белгиланиши аниқланди. Шу билан бир қаторда, диверсификация олдига қўйилган мақсадга эришиш биринчи навбатда макродаражада мамлакатнинг, микродаражада корхона ва фирмаларнинг молиявий имкониятларига боғлиқ (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Тўқимачилик саноати корхоналарини диверсификация қилиш омиллари**

<b>Техник ва технологик</b>	<b>Иқтисодий</b>	<b>Молиявий</b>	<b>Ижтимоий</b>	<b>Стратегик</b>
<p>1. Ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлашини таъминлаш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш.</p> <p>2. Хом-ашё, материаллар, технологиядан фойдаланишнинг муқобил варианtlари.</p> <p>3. Ишсизлик ва ресурслардан тўлиқ фойдаланиш даражаси.</p>	<p>1. Капиталнинг анъанавий тармоқларда ортиқча тўпланиб қолиши ва уни сарфлашнинг янги соҳаларини аниқлаш.</p> <p>2. Бозордаги салмоғини ошириш, янги бозорларни эгаллаш.</p> <p>3. Синергетик самарага эришиш.</p> <p>4. Микёс самарасини таъминлаш.</p> <p>5. Ресурсларнинг чекланганлиги.</p> <p>6. Ресурсларни тежаш сиёсати.</p>	<p>1. Хавф - хатар ва таваккалчилик даражасини пасайтириш.</p> <p>2. Молиявий барқарорлик.</p> <p>3. Молиявий салоҳиятни ошириш.</p>	<p>1. Ишчи кадрларни сақлаб қолиш.</p> <p>2. Янги иш ўринларини яратиш.</p> <p>3. Бошқа эҳтиёжларни қондириш.</p> <p>4. Менежернинг инновацион сиёсати.</p>	<p>1. Бозор конъюнктураси ва унинг тебранишларга мослашиш.</p> <p>2. Суғурта самарадорлигини ошириш.</p> <p>3. Антимонопол қонунчилик.</p> <p>4. Давлат буюртмаси.</p> <p>5. Истиқболли режаларни белгилаш.</p>

*Изоҳ: жадвал муаллиф томонидан тузилган.*

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини амалга ошириш ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Мазкур тадқиқот вазифаларини инобатга олган ҳолда тўқимачилик корхонасининг амалдаги фаолиятдан узоқлашиши ва унинг янги соҳаларга

ўтишини назарда тутувчи диверсификация стратегияси кўриб чиқилди. Муаллифнинг фикрича, тармоқ корхоналарида стратегик бошқарув мураккаб кўп даражали жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ўз ичига мақсад ва вазифаларни белгилаш, стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш босқичларидан иборат бўлиши зарур. Мазкур жараённинг муваффақияти кўп жиҳатдан тўқимачилик корхонаси учун нисбатан ички ва ташқи мухит қанчалик пухта ўрганилганига боғлиқ. Бундай таҳлилни йўналишлари тўқимачилик корхонасида диверсификацияни стратегик бошқариш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш ва аниқлаш асосида амалга ошириш лозим (1-расм).

Диверсификация қилинган тўқимачилик саноати корхоналарида менежерлар ташкилот мақсадини ҳисобга олган ҳолда бизнес юритиш стратегияси – корхонанинг турли тармоқларида фаолият юритаётган бирбиридан фарқ қилувчи бўлинмалари учун кўп тармоқли стратегик ҳаракат режасини ишлаб чиқишилари лозим.


Тўқимачилик корхоналари диверсификацијасининг ташкилий стратегияси назариясига таянишда диверсификация мақсадларига эришишни таъминловчи шароитлар яратишга қаратилган ташкилий тадбирлар мажмуасини амалга ошириш зарур.

Тўқимачилик корхоналарининг диверсификация бозорида мақбул даражада ўрин эгаллаши, аниқ вазиятга мослаштирилиши мумкин бўлган микро- ва макроиқтисодий шарт - шароитларни ўзгартириш мақсадида ривожланишнинг ташкилий стратегияларини турларга ажратиш мумкин.

**Тадқиқот ишининг «Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификацијашни бошқариш самарадорлигини ошириш методологияси»,** - деб номланган иккинчи бобида тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификацијаш жараёнларини бошқаришга стратегик менежментни татбиқ этиш усуслари, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификацијаш стратегияларини ташкилий-иқтисодий кучлар баланси усули билан асослашнинг услубий жиҳатдан асослаб берилган.

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификацијаш стратегиясининг асосий вазифаси – ишлаб чиқарувчилар томонидан танланган стратегияларнинг эҳтимолий имкониятларини аввалдан режалаштириб, шаклини ўзгартириш орқали мавжуд бойликларни, бозордаги ўринларни ва бошқа мақсадларни улар ривожининг исталган даражасига етказишни таъминлашдан иборат. Муаллифнинг фикрича, тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш имкониятларининг стратегик таҳлилини стратегик тадбиркорлик усули доирасида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу усуслини амалга ошириш схемаси мўлжалдаги бозорга қаратилган диверсификацијанинг бошқариш жараёнида муваффақиятли амалга оширилиши мумкин бўлган бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнини туркумлаштиради.



**1-расм. Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификациялаши стратегик бошқаришга таъсир этувчи омиллар<sup>5</sup>**

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмаси

Тўқимачилик саноати корхоналарида диверсификация фаолияти стратегияси учта турли ташкилий даражаларда ишлаб чиқлади:

1. Корпоратив – компания ва умуман унинг фаолият соҳалари учун.

2. Ишбилармонлик – фаолиятнинг ҳар бир алоҳида тури учун.

3. Функционал – фаолиятнинг маълум турининг ҳар бир функционал йўналиши учун. Фаолиятнинг ҳар бир соҳаси ишлаб чиқариш стратегияси, маркетинг стратегияси, молия ва ҳоказолар стратегиясига эга.

Учта даражанинг ҳар бири учун 2-жадвалда кўрсатилган маълум бир стратегик ҳаракатлар тўғри келади.

## **2-жадвал**

### **Бошқарувнинг ташкилий даражалари доирасида тўқимачилик корхоналарини диверсификация қилишнинг стратегик чоратадбирлари<sup>6</sup>**

<b>Стратегия даражаси</b>	<b>Диверсификация қилиш билан боғлиқ стратегик чоратадбирлар</b>
<b>1. Корпоратив</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>юқори унумдорликка эга хўжалик портфелини яратиш ва бошқариш;</li> <li>таркибий бўлинмалар ўртасида синергизмга эришиш ва уни рақобатли устунликка айлантириш;</li> <li>инвестициявий устувор йўналишларни белгилаш ва корпоратив ресурсларни фаолиятнинг энг жозибадор соҳаларига йўналтириш.</li> </ul>
<b>2. Ишбилармонлик</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>рақобатбардошликни кучайтиришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиши;</li> <li>ташқи муҳитдаги ўзгаришларга жавоб қайтариш механизмларини шакллантириш;</li> <li>асосий ва функционал бўлинмаларнинг стратегик ҳаракатларини бирлаштириш;</li> <li>корхонанинг ўзига хос масалалари ва муаммоларини ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар мажмуи.</li> </ul>
<b>3. Функционал</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>жойлардаги менежерлар таклифларни кўриб чиқиш, қайта кўриш ва бирлаштириш.</li> <li>ягона ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиши;</li> <li>ишчи-ходимлар малакасини ошириш ва қайта ўқитиши;</li> <li>операциявий таваккалчиликларни прогнозлаштириш.</li> </ul>

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификация қилиш жараёнларини самарали бошқаришни шакллантиришга кўриб чиқилаётган иқтисодий тизимнинг салоҳияти хизмат қиласиди, уни таҳлил қилиш учун диссертацияда муаллиф томонидан ташкилий-иқтисодий кучларни баланслаштириш усулида асосланган ёндашув таклиф қилинган.

Бунда ташкилий-иқтисодий куч деганда, тегишли фаолиятнинг намоён бўлиш имконияти, субъект иқтисодиётининг маълум бир кескинлик ва йўналтирилганлик даражаси билан фарқланувчи ахволи ва ташкилотчилик қобилияти тушунилади. Куч иқтисодий тизимларда кечётган жараёнларнинг жадаллик тарзи билан таърифланадиган ўлчов бирлигидир. Алоҳида

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

жараёнларга нисбатан «куч» тушунчасига диссертацияда ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти сифатида қаралган, шу сабабли куч ниманидир амалга оширишга, масалан, фаолиятни диверсификация қилишга салоҳият манбаи сифатида қабул қилинади.

Ташкилий-иқтисодий кучларни баланслаштириш усули диверсификация жараёнларини ривожлантириш манбалари ва имкониятлари аҳволини аниқлаш имконини берувчи ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ички ва ташқи томонлари ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи ва мувозанатга соловчи ташкилий-иқтисодий жиҳатлар тизими тушунилади. Кучлар балансини ҳосил қилишда «актив» ва «пассив» деб аталувчи бухгалтерлик балансининг иккита асосий тоифалари қўлланилган. Баланс активлари диверсификацияга «ундовчи» омиллар (захиралар, имкониятлар) сифатида қабул қилинган. Актив диверсификация жараёнида қўлланилганда келажакда ташкилотнинг иқтисодий фойда олишини таъминловчи ресурслари мавжуд эканлигини кўрсатади. Кучлар стратегик балансининг активи диверсификацияни бошқариш жараёнига киритилиши мумкин бўлган тизимнинг энг таъсирили (самарали) қисмларини ўз ичига олади.

Кучлар стратегик балансининг пассиви – бу, диверсификация ресурсларининг иқтисодий манбаларини таърифловчи воситалар мажмуаси. Пассив ва активлар танланган стратегиянинг ҳаракат қилиш сабаблари ва рағбатлантириш омиллариридир.

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини диверсификация қилишни бошқариш жараёнларини ташкилий-иқтисодий кучлар балансининг «муҳит – актив – пассив» шаклида ички ва ташқи иқтисодий муҳитни унинг таркибий қисмларига бўлган ҳолда (иқтисодий, ишлаб чиқариш, технологик, инновацион, бошқарув, ижтимоий) кўриб чиқиш таклиф этилди.

Баланснинг таклиф этилаётган элементларининг тизимлаштирилган таркиби 3-жадвалда келтирилган.

Ҳар бир вариант учун ҳисоб схемаси ўзгармас ва бир неча босқичдан иборат:

1-босқич. Кўрсаткичларни ажратилган гуруҳларга тўплаш ва уларнинг микдорий қийматларини баҳолаш. Аниқ микдорий ифодасига эга бўлмаган кўрсаткичлар учун баҳолар эксперт йўли билан олиниши мумкин. Масалан, занжирлаш ёки жуфтли қиёслаш усули ёрдамида<sup>7</sup>.

2-босқич. Ҳар бир гуруҳ учун гуруҳ кўрсаткичини ҳосил қилиш. Гуруҳ кўрсаткичи ягона кўрсаткичлар қийматлари комбинация шаклида чизиқли ўраш методидан фойдаланиб, уларнинг диверсификация жараёнларини бошқаришдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳолда i-чи гуруҳ кўрсаткичи қуийдаги кўринишга эга бўлади:

<sup>7</sup> Бешелев, С.Д. Математико-статистические методы экспертных оценок /Бешелев С.Д., Гурвич Ф.Г. - М.: Статистика, 2008. –С.92.

### З-жадвал

#### Тўқимачилик саноати корхоналарининг диверсификациялаш шароитидаги ҳаракатларини белгиловчи ташкилий-иқтисодий кучларнинг стратегик баланси

Муҳит	Стратегик актив	Стратегик пассив
Ички	<ul style="list-style-type: none"> <li>инновацион ўзгаришларнинг техник ва технологик захиралари;</li> <li>юксак кадрлар салоҳияти;</li> <li>молиявий ресурсларнинг мавжудлиги;</li> <li>бозор шароитларига мослашиш механизми;</li> <li>мулқорлар ва раҳбарият бизнесни диверсификация қилишнинг хоҳиши;</li> <li>мавжуд бўлган инновация салоҳияти;</li> <li>етказиб берувчилар билан мустаҳкам алоқалар;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>маҳсулотга бўлган талабнинг пасайиши;</li> <li>ходимларнинг касбий ва малакавий даражаси пасайиши;</li> <li>ҳаражатлар даражасининг юқорилиги;</li> <li>маҳсулот рентабеллик даражасининг етарли эмаслиги;</li> <li>корхонанинг ижобий имиджга эга эмаслиги;</li> <li>молиявий ҳолатнинг жиддий ахволдалиги;</li> <li>маркетингнинг ривожланмаганлиги.</li> </ul>
Ташки	<ul style="list-style-type: none"> <li>бозор субъектларининг корхоналар ишлаб чиқариётган товар ва хизматларга талаб мавжудлиги;</li> <li>хомашё, материаллар, жиҳозлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилар томонидан таклифлар мавжудлиги;</li> <li>инфратузилма жиҳатдан таъминланганлик;</li> <li>молиявий институтларда ортиқча пул маблағлари мавжудлиги;</li> <li>тадбиркорлик ва саноат ривожини қўллаб-куватловчи ташкилотларнинг мавжудлиги;</li> <li>илмий-тадқиқот ташкилотлари салоҳияти;</li> <li>корхоналар ва ташкилотларнинг кооперация алоқалари ривожланганлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>меҳнат бозорининг сустлиги;</li> <li>лозим бўлган меъёрий-хукуқий базанинг мавжуд эмаслиги;</li> <li>қўмакчи тармоқ корхоналарининг салоҳияти пастлиги;</li> <li>нокулай ижтимоий фикр;</li> <li>тармоқ бозоридаги корхоналар ўртасидаги рақобат кучлилиги;</li> <li>молиявий бозорнинг барқарорсизлиги;</li> <li>ҳокимият тузилмаларининг босими;</li> <li>инвестицион қўнимсизлик;</li> <li>бозор агентларининг тўлов қобилияти пастлиги .</li> </ul>

Изоҳ: Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

$$I_i = \sum_{j=1}^k Y_j^N \cdot w_j \quad (1)$$

$$Y_j^N = \frac{y_j}{y_j^{\max}}, Y_j^N = \frac{y_j^{\min}}{y_j} \quad (2)$$

Бу ерда  $Y_j^N$  – j-чи ягона қўрсаткичнинг меъёрланган қиймати;

$y_j$  - j-чи ягона қўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати;

$y_j^{\max}$  ва  $y_j^{\min}$  - j-чи ягона қўрсаткичнинг тегишли равишда максимал ва минимал (этalon) қийматлари. Меъёрланган қўрсаткични ҳисоблаш учун аниқ формула ягона қўрсаткичларнинг мутлақ қийматлари ортганда гурух қўрсаткичи ҳам ортадиган тарзда танланади;

$w_j$  - j-чи қўрсаткичнинг вазни (аҳамияти), айни пайтда  $0 \leq w_j \leq 1$ ,  $\sum_{j=1}^k w_j = 1$

ва k – ягона қўрсаткичлар сони.

Меъёрланган ягона қўрсаткичлар ишлатилганда гурух қўрсаткичи ҳам

меъёрланган бўлади. Ушбу ҳолатда катталиклар  $I_i \in [0,1]$ .

Гурух кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, тадқиқот ишида мазкур омилнинг бозордаги диверсификация жараёни учун шунчалик қулай деб ҳисобланган.

З-босқич. Кучлар балансининг интеграл кўрсаткичи (индексини) ҳисоблаш. Келажакдаги таҳлилий – мақсадлар учун мазкур кўрсаткични белгилар маконида евклид масофасини топишга асосланган алгебраик усул (масофалар методи) ёрдамида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ:

$$I_B = \sqrt{\sum_{i=1}^m I_i^2 * d_i} \quad (3)$$

Бунда  $I_i$  – гурух кўрсаткичи,  $I_i \in [0,1]$ .

$I_i$  –  $i$ -чи гурух кўрсаткичининг вазни (аҳамияти). Вазн коэффициентларига  $0 \leq w_j \leq 1$  ва  $\sum_{j=1}^k w_j = 1$  каби чекловлар қўйилса, интеграл кўрсаткичнинг максимал меъёрланган баҳоси таъминланади –  $\max I_B = 1$ ;  $m$  – гурух кўрсаткичлари сони.

Муаллифнинг фикрича, интеграл кўрсаткич қиймати қанчалик баланд бўлса, бозордаги диверсификация жараёнларини кучайтириш учун кучлар стратегик баланси шунчалик қулай, деб ҳисобланиши мумкин.

